



## ХУДУДЛАРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА ИЛМИЙ САЛОҲИЯТИ – КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИ ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНТИРИШ ОМИЛИ СИФАТИДА

 [doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a77](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a77)

**Салимов Бахтиёр Таджиевич** –  
ТДИУ, "Яшил" иқтисодиёт ва барқарор  
бизнес кафедраси профессори, и.ф.д.

**Халикова Рухсоро Санжаровна** –  
ТДИУ, "Яшил" иқтисодиёт ва барқарор бизнес  
кафедраси доценти в.б., и.ф.ф.д. (PhD)

**Салимов Баҳодир Бахтиёрович** –  
ТДТУ доценти, и.ф.ф.д. (PhD)

**Аннотация.** Мақолада Ўзбекистон шароитида кичик ва ўрта бизнесни (КЎБ) ҳудудий инновацион ривожлантиришнинг иқтисодий шарт-шароитлари, хусусиятлари ва инновацион омиллари таҳлил этилган. Ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиш даражаси, аниқланган интеграл индекслар ёрдамида таҳлил қилинган. КЎБнинг ҳудудлар кесимида инновацион ривожланишида имитацион инновациялардан фойдаланиш асосий йўл эканлиги кўрсатиб ўтилган. Йирик ва кичик бизнес томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот миқдорининг прогноз кўрсаткичлари таҳлил этилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, ўрта бизнес, иқтисодий имконият, инновация, имитацион инновация, мустақил инновация, индекс, интеграл индекс, технологик инновация, ҳудуднинг иқтисодий ривожланганлик даражаси.

## ЭКОНОМИЧЕСКИЙ И НАУЧНЫЙ ПОТЕНЦИАЛ РЕГИОНОВ КАК ФАКТОР ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ МАЛОГО И СРЕДНЕГО БИЗНЕСА

**Салимов Бахтиёр Таджиевич** –  
профессор кафедры "Зелёная" экономика  
и устойчивый бизнес, ТГЭУ, д.э.н.

**Халикова Рухсора Санжаровна** –  
и.о. кафедры "Зелёная" экономика и устойчивый бизнес,  
ТГЭУ, кандидат экономических наук (PhD)

**Салимов Баҳодир Бахтиёрович** –  
Доцент ТГТУ кандидат экономических наук (PhD)

**Аннотация.** В статье анализируются экономические условия, особенности и факторы регионального инновационного развития малого и среднего бизнеса (МСБ). Определены и проанализированы частные и интегральные индексы, определяющие уровень экономического развития регионов, и возможности инновационного развития МСБ в регионах с использованием имитационной инновации. Анализируются прогнозные показатели выпуска инновационной продукции крупного и малого бизнеса.

**Ключевые слова:** малый бизнес, средний бизнес, экономические возможности регионов, инновации, имитационные инновации, независимые инновации, индекс, интегральный индекс, технологические инновации, уровень экономического развития региона.

## ECONOMIC AND SCIENTIFIC POTENTIAL OF REGIONS AS A FACTOR OF INNOVATIVE DEVELOPMENT OF SMALL AND MEDIUM BUSINESS

**Salimov Bakhtiyor Tadzhievich** –  
Professor of the Department of "Green" Economics and  
Sustainable Business of TSUE, Doctor of Economics

**Kholikova Rukhsora Sanzharovna** –  
Department of "Green" Economics and Sustainable Business of  
TSUE, Candidate of Economic Sciences (PhD)

**Salimov Bahadir Bakhtiyorovich** –  
Associate Professor of TSTU Candidate of Economic Sciences (PhD)

**Abstract.** The article analyzes the economic conditions, characteristics and innovative factors of regional innovative development of small and medium-sized businesses (SMEs) in Uzbekistan. The level of economic development of the regions was analyzed using defined integral indices. The possibilities of using imitative innovations in the innovative development of SMEs in the regions have been determined.

**Key words:** small business, medium business, economic opportunities of regions, innovations, imitative innovations, independent innovations, index, integral index, technological innovations, level of economic development of the region.

**Кириш.** Ҳозирги вақтда кичик ва ўрта бизнес (КЎБ) корхоналари самарадорлиги ва рақобатдошлигини оширишда инновацион фаолиятни йўлга қўйиш муҳим аҳамият касб этмоқда. Янги маҳсулот ва хизматлар турини яратиш, янги технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилиш КЎБ корхоналари барқарор ривожланишининг энг муҳим омили бўлиб қолмоқда.

КЎБ маҳаллий хомашё ресурсларини ишлаб чиқаришга жалб этади, иш ўринлари яратади, аҳолининг катта қисмини даромад билан таъминлайди, бутун мамлакат ва ундаги ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасида ўрта бизнес тушунчаси 2022 йилгача мавжуд эмас эди. Ташкилотларни кичик тадбиркорлик субъектига киритиш Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 24 августдаги 275-сонли қарорига кўра ишлаб чиқилган классификацияга асосланади. Ўртача йиллик ишчилар сони 20 нафаргача бўлса, бун-

дай корхоналар микрофирмалар ҳисобланади. Ишчилар сони 21-279 нафаргача бўлса, булар кичик корхоналар деб қаралади. Бу ерда кичик корхона ва ўрта корхона биргаликда қараларди. Ҳозирги кунда кичик бизнеснинг янги кодекси ишлаб чиқилмоқда. Кодексга кўра, корхоналарнинг товар айланмаси 1 миллиард сўмгача бўлса, микрофирма, 10 миллиардгача кичик корхона ва 100 миллиардгача бўлса, ўрта корхона ҳисобланади. Ишчилар сони мезонини белгилашда Европа Иттифоқи давлатлари тажрибасидан фойдаланиш ўринли, деб ҳисоблаймиз. 1-10 гача – микрофирма, 11-50 гача – кичик бизнес ва 51-250 гача – ўрта бизнес [5].

Ўзбекистонда 2023 йил 1 январь ҳолатига кўра, 523600 кичик бизнес субъектлари фаолият юритган, шундан 90170 таси янги ташкил топган ва 2022 йил давомида 29377 таси ўз фаолиятини тўхтатган. Худудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари кўрсаткичлари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

2023 йил 1 январь ҳолатига кўра ҳудудлар кесимида фаолият юритаётган кичик бизнес кўрсаткичлари

		Сони, бирликда	Жамига Нисбатан улуши (%да)	Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сони, бирликда	Ўтган йилга нисбатан ўзгариши (%да)
1.	Ўзбекистон Республикаси	523600	100%	147,9	108,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	22863	4,4	4,4	109,0
<b>Вилоятлар</b>					
3.	Андижон	39038	7,4	14,8	107,0
4.	Бухоро	30082	5,7	19,0	106,0
5.	Жиззах	22474	4,3	21,5	109,0
6.	Қашқадарё	36421	7,0	15,5	109,0
7.	Навоий	22844	4,4	24,8	108,0
8.	Наманган	32305	6,2	13,2	108,0
9.	Самарқанд	47943	9,2	15,0	111,0
10.	Сурхондарё	27368	5,1	12,6	107,0
11.	Сирдарё	15036	2,8	23,0	106,0
12.	Тошкент вилояти	49145	9,4	19,7	108,0
13.	Фарғона	46350	8,9	15,4	108,0
14.	Хоразм	25616	4,9	15,8	112,0
15.	Тошкент шаҳри	106071	20,3	35,9	108,0

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Энг кўп фаолият юритаётган кичик бизнес корхоналари сонининг улуши Тошкент шаҳрига (20,3 %), Тошкент (9,4 %) ва Самарқанд (9,2 %) ҳудудларига тўғри келади. Энг кам улушга эга ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси (4,4 %), Жиззах (4,3 %) ва Сурхондарё (2,8 %) ҳудудлари киради. Ҳар 1000 аҳолига тўғри келадиган сони бўйича қараганда, бу кўрсаткич республика бўйича 17,9 тага тенг. Энг юқори кўрсаткич Тошкент шаҳрига (35,9 та), Навоий (24,8), Сирдарё (23,0) ва Жиззах (21,5) ҳудудларига тўғри келади. Саккизта ҳудудда бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан паст. Ушбу кўрсаткичнинг ўтган йилга нисбатан юқори ўсиш суръатини

Хоразм (112 %) ва Самарқанд ҳудудларида кўриш мумкин. Қолган ҳудудларда бу кўрсаткич 106-109 % оралиғида.

КЎБнинг фаолият соҳалари бўйича асосий кўрсаткичларини таҳлил қиладиган бўлсак, 2-жадвалда унинг ЯИМдаги улуши 2022 йилда 51,8 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 2,6 %га камайган, саноатдаги улуши 25,9 %ни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,1 %га камайган, умуман, ўсиш фақат экспортда (7,2 %), импортда (0,7 %) ва бироз бандликда (0,2 %) кузатилган. Қолган барча соҳаларда камайиш содир бўлган. Энг юқори камайиш савдода (-7,7 %) ва хизматлар соҳасида (-2,7 %) содир бўлган. Бунга

қарамасдан, кичик бизнес ўзининг салмоқли улушини қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигида (95,3 %), инвестицияда (47,6%), қурилишда (71,6 %), савдода (79,4 %), хизматларда (48,4 %) сақлаб қолмоқда. КБда меҳнат унумдорлиги

бандлар сонига кўра киши бошига 73,3 млн. сўмга тенг бўлиб, ўтган йилга нисбатан 113,3 %га ўсган. Бугунги кунда ҳам КЎБ мамлакат иқтисодий ривожланишининг драйвери бўлиб қолмоқда, деб айтиш мумкин.

2-жадвал

2022 йилда кичик бизнеснинг фаолият соҳалари кўрсаткичлари, фоизда

	2021 йил	2022 йил	2022 йил 2021 йилга нисбатан ўзгариши
ЯИМ	54,4	51,8	-2,6
Саноат	27,0	25,9	-1,1
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	96,7	95,3	-1,4
Инвестициялар	47,9	47,6	-0,3
Қурилиш	72,4	71,6	-0,8
Савдо	82,1	79,4	-2,7
Хизматлар	51,1	48,4	-2,7
Экспорт	22,3	29,5	+7,2
Импорт	48,4	49,4	+1,0
Бандлик	74,4	74,6	+0,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Маҳсулотларнинг сифати ва рақобатбардошлигини ошириш, моддий ва меҳнат ресурсларини иқтисод қилиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳамда корхона фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришни такомиллаштириш билан боғлиқ захира имкониятлар инновацион фаолият билан боғлиқ.

АҚШда олиб борилган тадқиқотларга кўра, КЎБда, ишчи бошига олиб қараганда, катта бизнесга нисбатан 16 баробар кўп патентлар яратилади [6]. Хитой Халқ Республикасида (ХХР) патентларнинг 85 %и, техник янгиликларнинг 75 %и ва янги маҳсулотларнинг 80 %и КЎБга тегишли [3].

**Адабиётлар таҳлили.** Ишда давлат органларининг статистик маълумотларини ўрганиш ва тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари, шунингдек, пандемия даврида тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича танланган стратегияларни таҳлил қилиш, кичик ва ўрта бизнеснинг бугунги ҳолатига баҳо бериш амалга оширилган [8].

Таҳлилларда давлат томонидан молиявий ва маъмурий қўллаб-қувватлаш чораларига алоҳида эътибор қаратилиши кўрсатиб ўтилган. Шу билан бирга, бизнес жараёнларини модернизация қилиш, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш ва инновацион дастурларнинг ўзгарувчан иқтисодий воқеликка мослашиши муҳимлигига эътибор қаратилган [9].

Ишда кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантиришнинг ҳудудий механизмларини шакллантириш масаласи, кичик ва ўрта бизнес соҳасида инновацион жараёнларни ривожлантиришнинг ҳудудий омилларини таҳлил қилиш, маданий қадриятлар ўзгарувчилари шаклланишининг ҳудудий хусусиятлари ва бизнес нормалари ва қоидаларини қонунийлаштириш, минтақадаги кичик корхоналарнинг муваффақият-

ли ривожланиши учун чегара шартларини белгиловчи омиллар кўрсатилган, кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантиришнинг ҳудудий механизмлари ўрганилган ва ҳудудий ўзгаришлар стратегиясини шакллантиришда маданий қадрият тушунчалари ва ғояларининг роли асослаб берилди [10].

Мақолада Украина бозорининг ҳозирги шароитида кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантиришнинг хорижий тажрибасини қўллаш таҳлили натижалари келтирилган. Ривожланишнинг ушбу хорижий моделларидан мослаштирилган элементларини миллий корхоналар амалиётида қўллаш орқали тадбиркорликни инновацион технологиялар асосида ривожлантириш масалалари кўрилган [11].

Шунингдек, Россия Федерациясида кичик ва ўрта бизнеснинг ҳозирги ҳолати, уйғун ривожланишига тўсқинлик қилаётган муаммолар таҳлил қилинган. Қишлоқ жойларда кичик ва ўрта бизнес янада қулайроқ ривожланадиган фаолият йўналишларини белгилаш, қишлоқларда кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга хизмат қиладиган шароитлар ўрганилган. Кичик ва ўрта бизнес самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар тақдим этилган. Таклифларда қишлоқларда ёш аҳоли сонини қисқартириш муаммосига алоҳида эътибор қаратилган. Таклифларда Россия Федерациясида кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантиришнинг стратегик ва ижтимоий-иқтисодий жиҳатларини ҳисобга олиш зарурлиги қайд этилган.

Мақолада кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш муаммолари ҳам ривожланган, ҳам ривожланаётган мамлакатлар учун долзарблиги, тадбиркорликни ривожлантириш даражаси давлат сиёсатининг самарадорлигига боғлиқлиги ва бу натижада иқтисодий ўсиш суръатлари,

ялпи ички маҳсулот динамикаси ва инновацион фаолликка таъсир қилиши очиб берилган [12].

Мақолада кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш бўйича федерал ва миллий лойиҳаларни давлат дастурларига киритиш таъкидланган. Шу билан бирга, бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш муаммолари кўрсатилган. Иқтисодийнинг энергетика тармоқларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш йўналишлари ўрганилган. Иқтисодийнинг инновацион ривожланиши учун инновацион фаоллик даражасини, илмий-тадқиқот ва ишланмалар самарадорлигини, интеллектуал мулкни тижоратлаштиришни, технологик инновацияларни ривожлантиришни оширадиган қўллаб-қувватлаш воситаларидан фойдаланиш зарурлиги кўрсатиб ўтилган, Россия ва бошқа мамлакатларда қўллаб-қувватлаш шакллари ва йўналишларининг қиёсий таҳлили келтирилган.

**Тадқиқот методологияси.** Худудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожланиш даражасини баҳолашда индекс, интеграл индекс, таққослама таҳлил ва статистик усуллардан фойдаланилди, инновацион кўрсаткичларни прогноз қилишда эконометрик моделлардан фойдаланилди.

**Таҳлил ва натижалар.** 2020-2022 йилларда асосий фаолият тури бўйича энг катта улушга эга бўлган янги ташкил этилган кичик бизнес корхоналарини қарайдиган бўлсак, улар, асосан, паст технологик маҳсулотлар ишлаб чиқарган [7, 252-253]. Саноат соҳасида 18892 та кичик бизнес корхоналари ташкил этилган бўлса, улар асосан нон, қандолат, трикотаж маҳсулотлари, устки буюмлар, мебель ва темирдан тайёрланган маҳсулотлар ишлаб чиқарган; хизматлар соҳасида ошхоналар, таълим муассасалари ва юк ташиш бўйича корхоналар ташкил топган, савдода асосан дўконлар ташкил топган. Шу сабабли КЎБда инновацион фаолиятни ривожлантиришнинг шарт-шароитларини ўрганиш ва инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларидан кенг фойдаланиш бўйича тавсиялар бериш муҳим аҳамият касб этади.

КЎБ корхоналарида инновацияларнинг киритилиши маҳсулот сифатини оширади, таннархининг пасайишига ва энг муҳими, фойдаланишга ошишига имконият яратади [1, 455 б.]. Инновацион фаолият КЎБ корхоналарининг техник базасини кучайтиришни, малакали кадрларни жалб қилишни, инновацион инфратузилма элементларидан самарали фойдаланишни ва инновациялардан фойдаланишни фаоллаштирадиган бошқарув тизимини шакллантиришни тақозо қилади.

Одатда, саноат корхоналари технологик, ташкилий ва маркетинг инновацияларни жорий қилишга эътибор беради [1, 457 б.].

Мустақил инновацияда илмий тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва технологик ишларни корхона ўзи амалга оширади ва бу ишларни амалга ошириш катта рискка боришни ва катта харажат қилишни талаб қилади. Мустақил инновацион фаолият билан кўп ҳолларда иқтисодий бақувват йирик компаниялар шуғулланади. КЎБ корхоналарида катта инвестиция қўйиш имкониятлари чекланганлигини эътиборга олсак, улар инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши мақсадга мувофиқ. Бу рисклар ва харажатларнинг камайишига олиб келади. Имитацион инновацияларда корхона тўғридан-тўғри илғор технология ва ускуналарни ҳуқуқий асосда сотиб олади ва уларни модернизациялаш ва такомиллаштиришга қаратилган ишларни олиб боради[4]. Бу модель технологик инновацияларни жорий қилишнинг оддий усули ҳисобланади.

КЎБ корхоналари инновацион фаолият билан шуғулланишида имитацион инновациялардан фойдаланиши ўз маҳсулоти рақобатбардошлигини босқичма-босқич оширишга имконият яратади ва шу билан бирга, инновацион технологик жараёнларни ва бирламчи инновациядан ўтган маҳсулотларни такомиллаштириш ишларини яхши йўлга қўйиши мумкин.

Ўзбекистон шароитида КЎБ корхоналарининг имитацион инновациялардан фойдаланишига худудларнинг иқтисодий ва инновацион салоҳиятининг ривожланганлик даражаси таъсир кўрсатади. Ривожланган худудларда корхоналар ўртасида кооперацион алоқалар яхши ривожланган, мутахассис кадрларни жалб этиш имконияти бор, мавжуд олий таълим ташкилотлари ва илмий тадқиқот марказлари билан алоқа қилиш мумкин. Худудлар марказларида илмий тадқиқот институтлари, университетлар ва бошқа инновацион инфратузилма элементларининг бўлиши КЎБ корхоналарида инновацион фаолиятни амалга оширишга яхши шароит яратади. Худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини қуйидаги кўрсаткичлар белгилайди:

- ялпи ҳудудий маҳсулотнинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги (ЯИМ) улуши, аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот;
- саноат маҳсулотининг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши, аҳоли жон бошига ҳудудий саноат маҳсулоти;
- хизматлар соҳасининг худудлар кесимида ривожланганлик даражаси;
- худудлар кесимида фаолият юритаётган КЎБнинг инновацион маҳсулоти;
- худуддаги инвестицион фаоллик;

## MINTAQA IQTISODIYOTI

– жалб қилинган хорижий инвестициялар.

Худудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи ялпи ҳудудий маҳсулотни қараймиз (3-жадвал).

Энг кўп ЯҲМ Тошкент шаҳрида ишлаб чиқилган, унинг мамлакат ЯИМдаги улуши 16,6

%га тенг, ундан кейин Тошкент вилояти – 10,5 %, Навоий – 7,5 % ва Самарқанд – 7,0 %. Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах, Хоразм ва Сирдарё худудларида бу кўрсаткич жуда паст бўлиб, 3,6 %дан ошмайди.

3-жадвал

### Худудлар кесимида ЯҲМ, (2022 йил)

		ЯҲМ (млрд. сўм)	ЯИМда худудлар улуши (%да)	Аҳоли жон бошига ЯҲМ (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси ЯИМ	888341,7	100%	24659,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	29925,4	3,4	15142,1	0,61
	<b>Вилоятлар</b>				
3.	Андижон	54464,0	6,1	16391,0	0,7
4.	Бухоро	45797,3	5,2	22787,0	0,9
5.	Жиззах	27140,8	3,1	18393,1	0,7
6.	Қашқадарё	49520,8	5,6	14219,5	0,6
7.	Навоий	66685,4	7,5	63179,0	2,6
8.	Наманган	41098,2	4,6	13710,4	0,6
9.	Самарқанд	62440,3	7,0	15161,3	0,6
10.	Сурхондарё	34858,5	3,9	12419,7	0,5
11.	Сирдарё	18136,8	2,0	20228,4	0,8
12.	Тошкент вилояти	93433,1	10,5	31221,4	1,3
13.	Фарғона	55972,1	6,3	14075,7	0,6
14.	Хоразм	31963,1	3,6	16322,7	0,7
15.	Тошкент шаҳри	147414,6	16,6	49874,7	2,0

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.*

Аҳоли жон бошига ЯҲМ индекси Навоий худудидида 2,6, яъни аҳоли жон бошига тўғри келувчи ЯҲМ республика кўрсаткичидан 2,6 баробарга кўп. Худди шундай Тошкент шаҳри – 2,0 ва Тошкент худудидида – 1,3. Бу худудларнинг индекс кўрсаткичлари республиканикидан юқори. Қолган худудларда бу кўрсаткич республика кўрсаткичидан паст.

Худудлар кесимида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича Тошкент шаҳри етакчи бў-

либ, унинг мамлакат саноат маҳсулотидаги улуши 19,5 %га тенг. Бу кўрсаткич Тошкент (16,9 %) ва Навоий (15,3 %) худудларида ҳам анча юқори, Жиззах (1,45 %), Наманган (2,75 %), Сурхондарё (1,33 %), Сирдарё (2,18 %) худудларида жуда паст (4-жадвал). Бу худудларда саноат ривожланиши орқада қолмоқда. Шу сабабли бу худудларда саноатни ривожлантириш долзарб ҳисобланади.

4-жадвал

### Худудлар кесимида саноат маҳсулоти (2022 йил)

		Худудий саноат и/ч. (млрд. сўм)	Саноатнинг худудлар бўйича улуши (%да)	Саноат аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	551100,0	100	15458,	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	17794,9	3,2	9067,7	0,6
	<b>Вилоятлар</b>				
3.	Андижон	54122,0	9,8	16459,7	1,1
4.	Бухоро	27245,2	4,9	13668,4	0,9
5.	Жиззах	11149,5	2,0	7639,4	0,5
6.	Қашқадарё	22814,7	4,1	6621,7	0,4
7.	Навоий	84144,6	15,3	80546,7	5,2
8.	Наманган	18241,8	3,3	6153,7	0,4
9.	Самарқанд	29373,7	5,3	7208,5	0,5
10.	Сурхондарё	7298,7	1,3	2630,2	0,2
11.	Сирдарё	12175,2	2,2	13716,7	0,9
12.	Тошкент вилояти	93002,2	16,9	31354,3	2,0
13.	Фарғона	30390,5	5,5	7720,3	0,5
14.	Хоразм	18325,8	3,3	9440,6	0,6
15.	Тошкент шаҳри	107267,7	19,5	36873,8	2,4

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.*

## MINTAQA IQTISODIYOTI

Аҳоли жон бошига саноат маҳсулотининг индекси Навоий ҳудудида энг юқори бўлиб, у 5,2 га тенг. Ундан кейинги юқори ўринларда Тошкент шаҳри – 2,4, Тошкент ( 2,0) ва Андижон (1,1) ҳудудлари. Энг паст кўрсаткич Фарғона (0,5), Самарқанд ( 0,5 ), Қашқадарё (0,4 ), Наманган ( 0,4 ) ва Сурхондарё (0,2) ҳудудларига тўғри келади.

Бозор хизматлари бўйича энг юқори улушга эга ҳудуд Тошкент шаҳри (38,4 %), ундан кейинги юқори улушни Тошкент (7,3 %), Самарқанд (6,4 %) ва Фарғона (6,1 %) ҳудудларида кузатиш мумкин. Бозор хизматлари энг кам ривожланган ҳудудларга Қорақалпоғистон Республикаси (2,9 %), Хоразм (2,9 %), Навоий (2,6 %), Жиззах (2,2 %) ва Сирдарё (1,4 %) ҳудудларини киритиш мумкин (5-жадвал).

5-жадвал

**Ҳудудлар кесимида кўрсатилган бозор хизматларининг асосий кўрсаткичлари (2022 йил)**

		Ҳажми (млрд. сўм)	Умумий ҳажмидаги улуши (% да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	357554,5	100	10030,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	10421,9	2,9	5310,8	0,5
	<b>Вилоятлар</b>				
3.	Андижон	17642,4	4,9	5365,5	0,5
4.	Бухоро	15780,0	4,4	7916,5	0,9
5.	Жиззах	7984,0	2,2	5470,4	0,5
6.	Қашқадарё	45954,8	4,5	4628,0	0,5
7.	Навоий	9247,2	2,6	8851,5	0,9
8.	Наманган	14722,6	4,1	4966,6	0,5
9.	Самарқанд	22734,9	6,4	5579,2	0,6
10.	Сурхондарё	12878,0	3,6	4640,7	0,5
11.	Сирдарё	5029,8	1,4	5666,8	0,6
12.	Тошкент вилояти	25994,9	7,3	8763,7	0,9
13.	Фарғона	21960,3	6,1	5578,8	0,6
14.	Хоразм	10303,2	2,9	5307,6	0,5
15.	Тошкент шаҳри	137358,1	38,4	47218,3	4,7

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.*

Ҳудудларнинг инвестицион фаоллигини ифодаловчи кўрсаткичлар 6-жадвалда келтирилган. Асосий капиталга инвестиция бўйича яна Тошкент шаҳрининг улуши энг юқори – 21,0 %, Тошкент вилояти – 13,0 %. Ундан кейинги юқори кўрсаткични Самарқанд (8,1 %), Бухоро (7,8 %) ва Навоий (7,2 %) ҳудудларида кўрамиз. Паст инвестицион фаоллик Қорақалпоғистон

Республикаси (3,7 %) ва Хоразм (3,3 %) ҳудудларига тўғри келади. Аҳоли жон бошига энг юқори индекс кўрсаткич Тошкент шаҳри (2,6), Навоий (2,5) ва Сирдарё (2,3) ҳудудларига тўғри келишини кўрамиз. Умуман, 6 та ҳудуднинг индекс кўрсаткичи республика индексидан юқори бўлиб, қолган ҳудудларда бу кўрсаткич республика индексидан паст.

6-жадвал

**Асосий капиталга инвестициялар ҳудудлар бўйича (2022 йил)**

		Асосий кап. инвестициялар (млрд. сўм)	Жамига нисбатан ҳудудлар улуши (% да)	Аҳоли жон бошига инвестиция (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	269857,5	100	7490,9	1,00
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	10099,8	3,7	5110,5	0,7
	<b>Вилоятлар</b>				
3.	Андижон	14758,6	5,5	4441,6	0,6
4.	Бухоро	21138,0	7,8	10517,5	1,4
5.	Жиззах	10763,1	4,5	7294,0	1,0
6.	Қашқадарё	16181,5	6,0	4646,4	0,6
7.	Навоий	19396,1	7,2	18376,2	2,5
8.	Наманган	14348,2	5,3	4768,6	0,6
9.	Самарқанд	21955,2	8,1	5331,0	0,7
10.	Сурхондарё	11507,3	4,3	4099,9	0,5
11.	Сирдарё	12574,7	4,6	14024,9	2,3
12.	Тошкент вилояти	34954,7	13,0	11680,4	1,6
13.	Фарғона	15396,7	5,7	3871,9	0,5
14.	Хоразм	8806,6	3,3	4497,3	0,6
15.	Тошкент шаҳри	56725,8	21,0	19192,0	2,6

*Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.*

## MINTAQA IQTISODIYOTI

Худудлар кесимида хорижий инвестицияларни жалб этиш кўрсаткичи худудлардаги корхоналарни хорижий технологиялар асосида модернизация қилиш ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ифодалайди. Бу кўрсаткич бўйича биринчилар қаторида яна Тошкент шаҳрини кўрамиз. Тошкент шаҳри корхоналарига жалб этилган хорижий инвестицияларнинг мамлакат кўрсаткичидаги улуши 14,2 %га тенг. Кейинги ўринларда Бухоро – 10,7 % ва Тошкент – 8,72 %. худудлари. Қорақалпоғистон Республи-

касида, Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Хоразм худудларида бу кўрсаткич паст бўлиб, 4,4 %дан ошмайди (7-жадвал). Аҳоли жон бошига энг юқори индекс Сирдарё (3,5), Навоий (3,2) худудларига тўғри келади. Юқори даражада ривожланган Тошкент шаҳри индекси 1,7 га ва Тошкент худуди индекси 1,2 га тенг. Олтита худуднинг индекси республика индексидан юқори, қолган худудларда бу кўрсаткич республика индексидан паст.

7-жадвал

### Асосий капиталга ўзлаштирилган хорижий инвестициялар худудлар кесимида (2022 йил)

		Хорижий инвестиция худудлар бўйича (млрд. сўм)	Худудлар бўйича улуши (%да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1.	Ўзбекистон Республикаси	112219,5	100	3115,1	1,0
2.	Қорақалпоғистон Республикаси	3932,6	3,5	1989,9	0,6
	<b>Вилоятлар</b>				
3.	Андижон	6954,2	6,2	2092,9	0,7
4.	Бухоро	11999,5	10,7	5970,5	1,9
5.	Жиззах	4786,0	4,3	3243,4	1,0
6.	Қашқадарё	7517,1	6,7	2158,6	0,7
7.	Навоий	10645,6	9,5	10085,8	3,2
8.	Наманган	4919,1	4,4	1641,0	0,5
9.	Самарқанд	9597,4	8,5	2330,4	0,8
10.	Сурхондарё	4956,7	4,4	1766,0	0,6
11.	Сирдарё	9738,2	8,7	10861,3	3,5
12.	Тошкент вилояти	11514,0	10,3	3847,5	1,2
13.	Фарғона	7102,5	6,3	1786,1	0,6
14.	Хоразм	2700,9	2,4	1379,3	0,4
15.	Тошкент шаҳри	15855,6	14,2	5364,4	1,7

*Манба:* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Иқтисодий кўрсаткичларнинг худудлар бўйича хусусий индекслари ва интеграл индекс-

лари қуйидаги формулалар ёрдамида аниқланади:

$$A_{ij} = \frac{x_{ij}}{y_j}, \quad X_i = \sum_{j=1}^6 A_{ij}, \quad i = 1-15, \quad j = 3$$

$X_{ij}$  –  $i$ -худуднинг  $j$ -кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

$Y_j$  – республика бўйича  $j$ -кўрсаткичнинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи ҳажми;

$A_{ij}$  –  $i$ -худуднинг  $j$ -кўрсаткич индекси;

$X_i$  –  $i$ -худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс.

Худудларнинг инновацион имкониятларини баҳолайдиган бўлсак, Тошкент шаҳри энг юқори имкониятга эга, чунки жами олий таълим ташкилотларининг 43,0 %и, нодавлат ва хорижий таълим ташкилотларининг 56,1 %и, 2021 йилда жами илмий тадқиқот ишларини бажарган ташкилотларнинг 54,7 %и ва битта технопарк Тошкент шаҳрида жойлашган.

Самарқандда 15 та олий таълим ташкилоти, 1 та нодавлат олий таълим ва 13 та илмий тадқиқот ташкилоти жойлашган, технопарк

йўқ, Тошкент худуди мос ҳолда 10; 1; 19; 0; Навоий 4; 2; 6; 2; Қашқадарё 9; 3; ; 0; Бухоро 11; 4; 10; 1. Жиззах, Наманган ва Сурхондарё худудларининг инновацион имкониятларини паст деб қараш мумкин. Бу ерда худудларнинг инновацион имкониятларини баҳолашда уларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини эътиборга олиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Тошкентда “Яшнобод” инновацион технопаркда яратилган айрим инновацион маҳсулотлар:

ЗД принтерлари ишлаб чиқариш. Бундай маҳсулотларни (серияли) ишлаб чиқариш Ўзбекистонда йўқ. ЗД принтери пластик ва фотополимердан тайёрланади. Қўлланилиш соҳаси: лойиҳа-матни ташкилотларида, медицинада, реклама агентликларида, форфор ва ювилер ишлаб чиқариш.

Худудлар кесимида кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион товарлар, ишлар, хизматлар (2021йил)

	Инновацион товарлар, ишлар, хизматлар ҳажми (млн. сўм)	Худудлар бўйича улуши (%да)	Аҳоли жон бошига (минг. сўм)	Индекс
1. Ўзбекистон Республикаси	10667034,7	100	296,1	1,0
2. Қорақалпоғистон Республикаси	105471,4	1,0	53,4	0,2
<b>Вилоятлар</b>				
3. Андижон	121838,4	1,1	36,7	0,1
4. Бухоро	236611,5	2,2	117,7	0,4
5. Жиззах	157272,8	1,5	106,6	0,4
6. Қашқадарё	849912,5	8,0	244,0	0,8
7. Навоий	632895,8	5,9	599,6	2,0
8. Наманган	351194,4	3,3	117,2	0,4
9. Самарқанд	613041,1	5,7	148,9	0,5
10. Сурхондарё	177300,9	1,7	63,2	0,2
11. Сирдарё	581499,9	5,4	648,5	2,1
12. Тошкент вилояти	979953,5	9,2	3847,5	1,1
13. Фарғона	491536,1	4,6	123,6	0,4
14. Хоразм	167174,5	1,6	85,4	0,3
15. Тошкент шаҳри	5156331,9	48,3	1744,5	5,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Яратилаётган корхонанинг йиллик қуввати – 500 дона.

1. SIM карта, транспорт карталари, ижтимоий карталар, халқаро карталар ишлаб чиқариш. Бундай маҳсулотлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Қўлланиладиган соҳалар: давлат ташкилотлари, молиявий ташкилотлар, мобил алоқа операторлари ва аҳоли. Яратилаётган корхона қуввати – 20 млн. карта. Лойиҳани таклифчиси – ООО “VADES GROVP”.

2. Учувчисиз учувчи аппаратларини ишлаб чиқариш ва локализация қилиш. Бундай маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Маҳсулот истеъмолчилари: қишлоқ хўжалиги, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирли-

ги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, қурилиш ташкилотлари, Мудофаа вазирлиги. Яратиладиган корхона қуввати – 1200 дона.

3. АДВОТ интерактив Роботларни ва унинг модификацияларини ишлаб чиқариш. Бу маҳсулот Ўзбекистонда ишлаб чиқарилмайди. Қўлланилиш соҳаси: банклар, мобил алоқа операторлари, меҳмонхона, ресторанлар, кўргазма марказлари. Яратиладиган корхонанинг қуввати йилига – 240 дона. Лойиҳанинг таклифчиси – ООО “INTERACTIVE ROBOT SOLUTIONS”. Бу инновацион маҳсулотлар имитацион инновациялар асосида ишлаб чиқарилмоқда, деб айтиш мумкин.

Худуднинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс ва инновацион инфратузилма кўрсаткичлари

	Жами иқтисодий интеграл индекс	Инновацион инфратузилма кўрсаткичлари			
		Олий таълим муассасалари	Нодавлат ва хорижий олий таълим ташкилотлари сони	2021 йилда илмий тадқиқот ишларини бажарган ташкилотлар сони	Техно-парклар сони
1. Ўзбекистон Республикаси	1,0	191	41	254	6
2. Қорақалпоғистон Республикаси	3,2	10	-	12	-
<b>Вилоятлар</b>					
3. Андижон	3,7	10	1	6	1
4. Бухоро	6,4	11	4	10	1
5. Жиззах	4,1	5	1	8	-
6. Қашқадарё	3,6	9	3	6	-
7. Навоий	16,4	4	2	6	2
8. Наманган	3,0	6	1	4	-
9. Самарқанд	3,7	15	1	13	-
10. Сурхондарё	2,5	7	-	9	-
11. Сирдарё	10,2	3	-	4	-
12. Тошкент вилояти	8,1	10	1	19	-
13. Фарғона	3,2	11	2	9	-
14. Хоразм	3,1	8	2	9	1
15. Тошкент шаҳри	19,3	82	23	139	1

Манба: 1-8-жадваллар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.



Худудларнинг барча кўрсаткичлари бўйича иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс кўрсаткичлари ва худудларнинг инновацион инфратузилма элементлари 8-жадвалда келтирилган. Барча кўрсаткичлар бўйича энг юқори ривожланаётган худудларга Тошкент шаҳри (19,3), Навоий (16,4), Тошкент (8,1) ва Сирдарё (10,2) худудларини киритиш мумкин.

Бу худудларга “Локомотив” худудлар деб қараш мумкин. Ўрта даражада иқтисодий ривожланаётган худудлар: Бухоро (6,4 %), Жиззах

(4,1 %) худудлари. Қолган худудларни паст даражада иқтисодий ривожланаётган худудлар деб қараш мумкин. Лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, ва Фарғона худудлари паст даражада бўлса ҳам иқтисодий ва инновацион ривожланиш салоҳиятга эга. Сурхондарё, Наманган, ва Хоразм худудларини ривожлантириш давлатнинг иқтисодий, инновацион ва кичик тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатига кўра махсус дастурлар ишлаб чиқишни талаб қилади.

9-жадвал

Йирик корхоналар ва кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдорлари ва уларга харажатлар тўғрисида ретроспектив маълумотлар (млн. сўм)

Йил	Йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y)	Йирик корхоналарда инновацион маҳсулотга харажатлар (X)	Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y1)	Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотга харажатлар (X1)
2015	6341873,5	5173524,5	1681755,0	354754,2
2016	9016373,3	2360034,8	1671872,3	211370,8
2017	16219047,3	3446999,3	2324283,7	715264,4
2018	21675133,7	3550416,0	7196331,6	1156795,8
2019	18356065,6	4663557,4	8455371,9	1939917,5
2020	17013690,2	5788413,7	14129105,7	1041554,9
2021	16711579,2	10667034,7	10667034,7	1189442,4

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида.

Йирик бизнес корхоналари томонидан жами ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y), жами ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматларга харажатлар (X), кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y1) ва кичик бизнес корхо-

налари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматларга харажатлар (X1) кўрсаткичлар бўйича берилган маълумотлар динамикасига кўра прогноз моделлари ишлаб чиқилди ва уларнинг баҳолаш мезонлари қийматлари аниқланди (10-жадвал).

10-жадвал

Прогноз моделлари ва уларни баҳолаш натижалари

Прогноз модели	Моделни баҳолаш натижалари
$y = 7005099,521t^{0,568}$	$\bar{A} = 1,05\% ; S_y = 0,2317 ; R^2 = 0,7718 ; F_{his} = 16,9127 (F_{jad} = 6,61) ; t_{a_0} = 3,5889 ; t_{a_1} = 83,1197 (t_{jad} = 3,163) ; DW = 1,02$
$x = 1520511,535e^{0,245x}$	$\bar{A} = 0,79\% ; S_x = 0,1565 ; R^2 = 0,9322 ; F_{his} = 68,7977 (F_{jad} = 6,61) ; t_{a_0} = 8,2944 ; t_{a_1} = 107,6159 (t_{jad} = 3,163) ; DW = 1,85$
$y_1 = 1101324,668e^{1,211}$	$\bar{A} = 2,08\% ; S_{y_1} = 0,4239 ; R^2 = 0,8213 ; F_{his} = 22,9762 (F_{jad} = 6,61) ; t_{a_0} = 4,7933 ; t_{a_1} = 40,1002 (t_{jad} = 3,163) ; DW = 1,86$
$x_1 = 252562,261t^{0,907}$	$\bar{A} = 2,64\% ; S_{x_1} = 0,5026 ; R^2 = 0,6468 ; F_{his} = 9,1566 (F_{jad} = 6,61) ; t_{a_0} = 3,226 ; t_{a_1} = 30,2365 (t_{jad} = 3,163) ; DW = 2,22$

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

Инновацион кўрсаткичлар прогноз моделларининг баҳолаш мезонлари, яъни аппроксимация хатоликлари, ўртача квадратик стандарт четланиши, t-статистикаси, детерминация коэф-

фициенти, фишер мезони, Дарбин-Уотсон мезонлари талаб чегараларига мос келади ва шу моделлар асосида прогноз кўрсаткичлари миқдори 2026 йилгача аниқланди (11-жадвал).


**Йирик корхоналар ва кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдори ва уларга харажатларнинг прогноз қийматлари (млн. сўм)**

	Йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y)	Йирик корхоналарда инновацион маҳсулотга харажатлар (X)	Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар ҳажми (Y1)	Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотга харажатлар (X1)
2022	22 822 826,2	10 792 415,2	13 663 354,6	1 665 217,9
2023	24 401 923,1	13 788 269,4	15 758 070,7	1 852 961,6
2024	25 906 832,1	17 615 739,4	17 902 569,4	2 038 771,0
2025	27 347 986,4	22 505 672,4	20 092 867,0	2 222 857,5
2026	28 733 548,1	28 752 996,3	22 325 636,8	2 405 391,9

Манба: муаллиф ҳисоб-китоблари.

1-расмда йирик ва кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари графиклари келтирилган. Расмдан кўриш мумкинки, иккала кўрсаткич ҳам прогноз даврида ўсиш тенденциясига эга, лекин кичик бизнес кўрсаткичи бироз бўлса-да, йирик бизнесниқига қараганда, юқорилигини кўриш мумкин. 2026 йилга келиб, йирик бизнес

кўрсаткичи 2022 йилга нисбатан 5910,7 млрд. сўмга ошган ва 28733,5 млрд. сўмни ташкил қилган ва 126 %га ошган. Кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ва хизматлар эса 2026 йилда 2022 йилга нисбатан 740,2 млрд. сўмга ошган ва 2405,4 млрд. сўмни ташкил этган ва 163 %га ошган.



**1-расм. Йирик ва кичик бизнес корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдорининг прогноз графиклари**

2-расмда йирик ва кичик бизнес корхоналарида бир бирлик инновацияга қилинган харажатга тўғри келадиган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдорининг прогноз кўрсаткичлари келтирилган. Йирик корхоналарда бу кўрсаткич миқдорининг камайиб боришини кузатамиз. Бу ерда инновацион ва хизматлар миқдорининг ўсиш тенденцияси харажатларнинг юқори суръатларда ўсиши билан боғлиқлигини кўрамиз. Кичик бизнес корхоналарида бу кўрсаткич ўсиш тенденциясига эга, 2026 йилга келиб, бу кўрсаткич 2022 йилга нисбатан 1,13 баробарга ўсган. Кичик бизнес томонидан 2022 йилда 1 миллион сўм харажатга 8,1 млн. сўмлик инновацион маҳсулот ва хизматлар тўғри кел-

ган бўлса, 2026 йилда бу кўрсаткич 9,3 млн. сўмни ташкил этган. Йирик бизнесда бу кўрсаткич мос ҳолда 2,1 ва 1,0 млн. сўмни ташкил этган.

Хулоса қиладиган бўлсак, кичик бизнес корхоналарида бир бирлик харажатга тўғри келадиган инновацион маҳсулот йирик бизнесниқига қараганда юқорилигини кузатиш мумкин. 2022 йилда кичик бизнесда бир бирлик харажат ҳисобидан олинadиган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдори йирик бизнесниқига қараганда 3,9 баробарга кўп бўлган бўлса, 2026 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,3 баробарга ошганини кўрамиз ва бу кичик бизнесни инновацион фаолият билан шуғулланишга ундовчи ҳамда рағбатлантирувчи омил деб қараш мумкин.



**2-расм. Йирик ва кичик бизнес корхоналарида бир бирлик харажатга тўғри келадиган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдорининг прогноз графиклари.**

**Хулоса ва таклифлар.** КЎБнинг инновацион ривожланишига асосий тўсиқлар бўлиб, инновацион инфратузилманинг яхши ривожланмаганлиги, технопарк, бизнес инкубатор, илмий тадқиқот ташкилотлари ва илмий лабораторияларнинг сони камлиги, уларни замонавий ускуна ва жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, юқори малакали кадрларнинг етишмаслиги ва инновацион бизнеснинг паст даражадалиги, инновацион фаолият билан шуғулланиш бўйича тажрибанинг етишмаслиги ҳисобланади.

Худудларнинг иқтисодий ривожланганлик даражасини ифодаловчи интеграл индекс ва инновацион ривожланиш имкониятларини белгиловчи кўрсаткичлар худудлар кесимида КЎБни фаолият турлари бўйича инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш имкониятларига тасир қилувчи асосий омиллардан бири деб қараш мумкин. Худудлар таҳлили шуни кўрсатдики, қайси худудларда ушбу кўрсаткичлар юқори бўлса, шу худудларда инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш юқори. Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Бухоро худудларида КЎБ корхоналарининг инновацион ривожланиш салоҳияти юқори деб қараш мумкин. Бу худудларда инновацион инфратузилма элементларини ривожлантириш мақсадга мувофиқ, технопарк, бизнес инкубатор, замонавий махсус илмий лабораториялар, трансфер технология ва бошқа илмий марказларни ривожлантириш ва уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, мутахассис кадрларни жалб этиш лозим. Навоий шаҳридаги конметаллургия институтида инновацион инфратузилма элементлари учун мутахассис кадрларни тайёрлашни кучайтириш зарур. Шунингдек:

ўрта даражада иқтисодий ривожланган худудларда Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Қашқадарё, Самарқанд, ва Фарғона худудларида инновацион инфратузилма элементларини барпо этиш ва уларни кадрлар билан таъминлаш асосий масалалардан ҳисобланади;

паст иқтисодий ривожланган Сурхондарё, Наманган ва Хоразм худудларида КЎБни манзилли қўллаб-қувватлаш асосида ишлаб чиқариш салоҳиятига қараб жамият учун устувор бўлган соҳаларда махсус дастурлар асосида ривожлантириш мақсадга мувофиқ;

Тошкент шаҳрини бошқа барча худудларнинг иқтисодий ва инновацион ривожлантириш маркази деб қараш ва Тошкентдаги “Яшнобод” инновацион технопаркини илмий-техник ва кадрлар салоҳиятини кучайтириш орқали унинг “Бош” технопаркка айлантирилиши худудлар инновацион ривожланишининг бош омили деб қараш мумкин;

худудларда инновацион фаолият билан шуғулланадиган, янги маҳсулот ва янги технология жорий қиладиган, юқори ва ўрта юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқарадиган КЎБ субъектларини, илмий тадқиқот ва тажриба-конструктор ишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари, давлат грантлари, давлат томонидан имтиёзли қарз (лойиҳа амалга оширилса, қарзнинг маълум қисмидан кечиш), субсидия бериш, кредитни субсидиялаш ва бошқа имтиёзларни бошқа соҳалардаги КЎБ субъектларига нисбатан кучайтириш мақсадга мувофиқ, маслаҳат бериш, қўллаб-қувватлаш инфратузилмасини (бизнес инкубатор, технопарк ва шу кабилар) яратишда давлат-хусусий шерикликдан фойдаланиш;

мамлакатимизда инновацион иқтисодийотни ривожлантириш, КБ корхоналарида юқори технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш, буни “Имитацион инновациялардан оригинал инновацияларга” ўтиш стратегиясини қўллаш орқали юқори қўшилган қийматга эга, ички ва ташқи бозорларда талабгор бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқариш билан боғлиқ йўл, деб ҳисоблаш мумкин;

йирик ва кичик бизнес корхоналарида инновацион маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш миқдори прогноз даврида ўсиш тенденциясига эга, лекин кичик бизнес кўрсаткичи бироз бўлса-да, йирик бизнесни қараганда юқориликни кўрамиз, кичик бизнес корхона-

ларида бир бирлик харажатга тўғри келадиган инновацион маҳсулот йирик бизнесни қараганда юқориликни кузатамиз. Кичик бизнес корхоналарида бу кўрсаткич прогноз даврида ўсиш тенденциясига эга бўлса, йирик бизнесда, аксинча, камайиш рўй бермоқда. 2022 йилда кичик бизнесда бир бирлик харажат ҳисобидан олинadиган инновацион маҳсулот ва хизматлар миқдори йирик бизнесни қараганда 3,9 баробарга кўп бўлган бўлса, 2026 йилга келиб, бу кўрсаткич 9,3 баробарга ошганини кўрамиз ва буни кичик бизнесни инновацион фаолият билан шуғулланишга ундовчи ҳамда рағбатлантирувчи омил, деб қараш мумкин.

### Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Буланова Е.В., Соменкова Н.С., Ягунова Н.А. Формирование стратегии развития малого инновационного предприятия промышленного комплекса. // Журнал «Вопросы инновационной экономики». Том 9. № 2. Апрель-июнь, 2020.
2. Гумерова Г.И., Шаймиева Э.Ш. Анализ управления технологическими инновациями на промышленных Российских предприятиях: источники финансирования, инновационная стратегия. // Актуальные проблемы экономики и права. 2012. № 4 (24). С. 143-150.
3. Инновационное предпринимательство в Китае. // Фундаментальные Исследования, 2018. № 10. С. 74-78 (электронный ресурс). <https://www.fundamentalresearch.ru/ru/article/view?id=42283>
4. Сюй Хуэйчжун. Анализ преимуществ имитационной инновации. // Гуманитарные и социальные науки. 2012. № 7.
5. Салимов Ш.Б. Ривожланган давлатларда ва Ўзбекистонда тадбиркорлик турлари ва уларни аниқлаш усуллари. // “Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar” ilmiy-elektron jurnali. 3-son, may-iyun, 2020-yil.
6. Туттов Б. Сектор малого и среднего предпринимательства: Россия и Мир. Институт экономики роста им. Столыпина П.А. июль, 2018. Электрон ресурс. <http://stolypin.institute/novosti/sector-malogo-i-srednego-predprinimatelstva-rossiya-i>
7. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. 2022 йил. – Т, 2023 й.
8. Воканев В., Иссенова А. Қозоғистонда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг инновацион стратегиялари: Covid-19 даврида давлат сиёсатини ўрганиш. Jurnal nomi: Innovatsiyalar jurnali, 27 (1), art. no. 2, 2022.
9. Birukov V.V., Romanenko E.V., Ploskonosova V.P. Кичик ва ўрта бизнес секторини инновацион ривожлантиришнинг худудий механизмлари: қийматга йўналтирилган ёндашув. Jurnal: Indian Journal of Science and Technology, 9 (37), art. no. 102170, 2016.
10. Kookueva V., Tsertseil J. Инновацион ривожланиш шароитида кичик ва ўрта бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг иқтисодий ривожланиши. Jurnal nomi: Innovation Journal, 27 (1), art. no. 2, 2022.
11. Umierov RE. Украина бозорининг ҳозирги шароитида кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантириш бўйича хоризжий тажрибани қўллаш. Jurnal: Actual Problems of Economics, 132 (6), pp. 96-105. Cited 1 time. 2012.
12. Yushkova V.V., Myazin N.S., Davydov V.V., Makeev S.S., Rud V.Y., Svitala F. Россия қишлоқ хўжалигида кичик ва ўрта бизнесни инновацион ривожлантириш муаммолари ва асосий йўналишлари. Jurnal nomi: E3S Web of Conferences, 220, art. no. 01031, 2020.



### MINTAQALARNING IJTIMOY-IQTISODIY RIVOJLANISHINI RAQAMLI TEKNOLOGIYALAR ASOSIDA TAHLIL QILISH USLUBLARI (NAMANGAN VILOYATI MISOLIDA)

[doi.org/10.55439/ECED/vol24\\_iss3/a78](https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss3/a78)

**Fazliddinova Zulxumor Akramjon qizi -**  
TDIU huzuridagi “O‘zbekiston iqtisodiyotini  
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari”  
ilmiy tadqiqot markazi, stajyor-tadqiqotchi

**Annotatsiya.** Ushbu maqolada hududlarning ijtimoiy-iqtisodiy rivojlanishini tahlil qilishda raqamli texnologiyalardan foydalanishning nazariya va amaliy jihatlari o‘rganilgan. Namangan viloyatini ijtimoiy-iqtisodiy rivojlantirish ko‘rsatkichlari va dinamikasining o‘zgarish tendensiyalari GAT texnologiyalaridan foydalanilgan holda tahlil qilingan.

**Kalit so‘zlar:** geografik axborot tizimlari, on-line xaritalar, aero va kosmik tasvirlar, mavzuli ma’lumotlar, sotsial-iqtisodiy kartografiya.